

«KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ А.Навоий номидаги Миллий кутубхонада ёшлар учун интерфаол маънавий- маърифий тадбир ўтказди



Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган изчил ислохотлар давом эттирилмоқда. Бунда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устувор бўлган Конституциямиз мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Бугунги «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган «**Конституция ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати**» мавзусидаги тадбир ҳам айнан шу мавзуга бағишланган.

Тадбирда «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ Бошқаруви масъул ходимлари, мутахассислар, компания Тошкент шаҳар филиали ва «Андеррайтинг маркази»да фаолият юритаётган ёш мутахассислар иштирок этди.

Энг улуг ва энг азиз байрам, мустақиллигимизнинг 26 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу йигилишга Республика оила илмий-амалий маркази психологи Феруза Акрамова, фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммедова, юридик фанлари доктори, профессор Мухитдинова Феруза Абдурашидовналар ташриф буюрди.

Ташриф чоғида меҳмонлар тадбир қатнашчиларига Конституциямизда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи Ўзбекистон халқи экани, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципи мустаҳкамлангани ҳақида, бош комусимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги тўғрисидаги қоида ўз ифодасини топди. Конституциямизнинг халқчил ва инсонпарвар моддалари замирида юртимизнинг ҳар бир жабҳасида кечаётган ислохотлар, шаҳар ва қишлоқлардаги бунёдкорлик, илм-фандаги улкан муваффақиятларни кўриш мумкинлиги тўғрисида гапирди.

Тадбир савол-жавобларга, фикр-мулоҳазаларга бой ҳамда интерфаол тарзда, кўтаринки руҳда ўтти.